

ZIYO CHASHMASI



ABDULLA QODIRIY NOMIDAGI IZZAX DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI GAZETASI

№ 4 (200) 2012 YIL, APREL ISSN-2010-9393 1993 YIL, 21 MARTDAN CHIQA BOSHLAGAN

Амир Темур таваллудининг 676 йиллигига

БУЮК ДАВЛАТ АСОСЧИСИ, ИСТЕЪДОДЛИ САРКАРДА

*Амир Темур шахсини идрок этиши, тарихни идрок этиши демакдир.
Амир Темурни англаш, ўзлигимизни англаш демакдир.
Амир Темурни улуғлаш, тарих қаърига чуқур илдиз отган томирларимизга,
маданиятимизга, қудратимизга асосланиб буюк келажакимизни мустаҳкамлаш
демакдир.*

Ислом КАРИМОВ

Амир Темур давлат асосчиси, истеъдодли саркарда, қолаверса, юксак маънавият соҳиби бўлганлиги билан ҳам ажралиб турадиган соҳибқирон эди. Темур бобомизнинг овозини жам эттирган «Темур тузуклари»ни варақлар эканми, у қайд этган ўғитлар ва ҳикматли сўзлар ҳамда нақлларнинг зийраклик ва теранликнинг нақадар юксак чўққиларига етганлигини том маънода ҳис этиш мумкин. Шу боисдан ҳам мухтарам юртбошимиз И.Каримов «Амир Темур тузукларини ўқисам, худди бугунги замоннинг катта-катта муаммоларига жавоб топгандек бўламан» деб бежизга таъкидламаганликларини тушуниш мумкин.

Дарҳақиқат, Амир Темур ёшлигиданоқ ҳарбий санъатга меҳр қўйганлиги ҳамда уни эгаллашдаги мардлиги, жасорати билан ўз тенгдошларини лол қолдириб келган бўлса, исломий ва дунёвий таълим ва билимни ўрганишда зехнининг ўткирлиги, иймон-этиқоднинг поклиги билан замондошлари орасида ажралиб турганлиги гувоҳи бўламиз. Унинг замондоши, машҳур тарихчи Ибн Арабшоҳ Амир Темур фаолиятини қанчалик танқидий ўрганмасин «У ёшлигиданоқ ақлли, очик кўнгул, журъатли, қатъий кучли ва қобилиятли бўлиб ўсди» деб тан олиб ёзган эди.

Амир Темур маънавиятига хос теранлик, ахлоқий нафосат, камтарлик, дўстлик, меҳр-муруватлилик, жасорат ва мардлик, ишбилармонлик ва тадбиркорлик каби кўлаб фазилатлар инсоний ақлнинг устувор машъали бўлиб келди. Шунинг учун ҳам бутун жаҳонга машҳур буюк давлатни барпо этиш йўлида, у «куч адолатдадир» деган шиорни ўзининг бош мақсади деб билди.

Амир Темур маънавиятига хос



ижобий фазилатлар ҳақида гап кетганда, унинг юксак ахлоқий фазилат соҳиби эканлигини Ибн Арабшоҳ «Унинг мажлисларида уятсиз сўзлар, қон тўкиш, асир олиш, наҳбу ғорат қилиш ва аёллар шаънига ҳақорат гап бўлмасди» деб ёдга олади. Дарҳақиқат, Амир Темур ўз мақсади йўлида қатъийлик, жасурлик ва бетакрор покликни улуғлаб ўз салтанатини бошқариб келган эди. «Шижоатли

кишиларни дўст тутардим, чунки тангри таоло жасур кишиларни ардоқлайдилар. Уламо билан суҳбатда бўлдим ва пок ниятли тоза қалбли кишиларга талпиндим... Бузуқи ва оғзи шалоқ гийбатчи одамларни мажлисимга йўлатмадим» деб ўз тузукларида такрор-такрор қайд этиши ҳам фикримизнинг яққол далилидир.

(Давоми 2-саҳифада)

АМИР ТЕМУР — ФАХРИМИЗ, ФУРУРИМИЗ

Институтимиз маданият саройида буюк соҳибқирон бобомиз Амир Темур таваллудининг 676 йиллигига бағишлаб тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Вилоят маънавият-тарғибот маркази директори, профессор У. Носиров «Амир Темур марказлашган давлат асосчиси» мавзусида, тарих факультетининг декани, доцент С. Ҳозиев «Амир Темур — фахримиз, фуруримиз» мавзусида маъруза қилдилар.

Талабаларнинг Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига бағишланган кичик сахна кўринишларида соҳибқироннинг инсонпарварлик, ватанпарварлик, давлатни бошқариш маҳорати ва бошқа аjoyиб хислатлари акс эттирилди.

Урнат кўрсатган талабаларга институтнинг Фахрий ёрлиқлари, «Камолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракатининг совғалари топширилди.

Б. ҚУДРАТОВ.



«БИЗ БИР ЖАМОАМИЗ!»

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази томонидан уюштирилган «Биз — бир жамоамиз!» акцияси иштирокчилари билан вилоят маънавият-тарғибот марказида тақдирот маросими ўтказилди ва институтимизда «Келажак овози» кўрик-танловининг вилоят ҳамда республика босқичи ғолиблари билан учрашув бўлди.

Ғолиблар ўз тенгдошларига юртимизда ёшларнинг билим олиши, истеъдодларини намойиш этишлари учун яратиб берилган имкониятлар, ўзлари амалга ошираётган режалари ҳақида сўзлаб бердилар. Акция иштирокчилари шунингдек, «Мустаҳкам оила йили» Давлат Дастури ижроси юзасидан вилоятимиз ёшларига маданий-маърифий, спорт, илмий-техник, ижтимоий ва хизмат кўрсатиш соҳаларида яратиб берилган имкониятлар ва шароитлар билан танишдилар. Шу куни шаҳримизда «Бўш иш ўринлари ярмаркаси» ҳам ташкил этилди ва шаҳримиздаги коллежлар битирувчилари катта гуруҳи корхоналар билан шартнома туздилар.

Маълумки, бу йил ҳам «Келажак овози — 2012» Респуб-

лика иқтидорли ёшлар танлови ўтказилиши режалаштирилган. «Архитектура ва дизайн», «Ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлар ва техник ишланмалар», «Анъанавий ва амалий санъат», «Бадий ижод ва публицистика» номинациялари ва йўналишлари бўйича вилоятимиз, шу жумладан институтимиз талаба ёшлари ҳам иштирок этадилар.

«Келажак овози — 2012» республика иқтидорли ёшлар танловининг туман-шаҳар босқичлари 1-30 апрелда, Қорақалпоғистон Республикаси вилоятлари ва Тошкент шаҳар босқичлари 1-20 майда, Республика босқичи декабрь ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтади. Ғолиблар «Келажак овози» стипендияси ва грантларини қўлга киритадилар.

УШБУ СОНДА:

2012 йил — Мустаҳкам оила йили
2. **ОНАЛАР КҮЙЛАГАНДА**



ПАЛАҒИ
ЎСКИЛИГИ
ҲАҚИДА



3. **СЎЗ — ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБАЛАРГА ТАЛАБАЛИК ДАВРИДАГИ «АМАЛДОРЛАР»**

Гиёҳвандлик — иллат

«Оқ ажал» ҳужумидан сақланинг, тенгдошлар!



ТАЛАБАЛАР ИЖОДАГА

4. **БЕШ**

ОНАБОР КҮЗ ЕШИ ВА ИЛТИЖОСИ

2012 йил – Мустаҳкам оила йили

ОНАЛАР
КУЙЛАГАНДА

Институт маданият саройида 30-март куни "Мустаҳкам оила йили" давлат дастурига мувофиқ факультетларро "ОНАЛАР КУЙЛАГАНДА" номли кўрик-танлов ўтказилди.

Тадбирни маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор доц. А.Тангиров кириш сўзи билан очди ва иштирокчиларга муваффақият тилади. Вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раисаси Ш.Ахророва, Жиззах шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раисаси Н.Мухторова, институт ўқув ишлари проректори, профессор Н.Алимов талабаларни бугунги тадбир билан табриқладилар.

Талаба-қизларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, уларни соғлом ва баркамол бўлиб етиштиришлари таъминлаш, соғлом оилани шакллантириш, она алласининг бола тарбиясидаги аҳамиятини ёшларга тушунтириш, бўлғуси

ёш оналарга бола тарбияси бўйича тушунчалар бериш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича бажариладиган ишлар самарадорлигини ошириш танловнинг бош мақсади қилиб олинди.

Кўрик-танлов шартларига биноан ҳар бир иштирокчи тарихий манбаларда истифода этилган ўзбек тарихий образларидан бирининг сиймосини яратиб берди, яъни, **Ўзбегим бегоймлари** сиймосида чиқиш қилди. Иштирокчилар миллий матолардан тикилган либосларда чиқиб, ўзларини таништирдилар, ўз фикрларини шеърий ёки насрий йўлда баён этдилар, она алласини ижро этдилар, ташкилий кўмита томонидан тайёрланган махсус сирли сандиқчалардан бирини танлаб, унинг ичидан чиққан буюмга тезкорлик билан, қизиқarli тарзда таъриф бердилар. Эркин мавзу номинацияси бў-

йича кўрик-танлов иштирокчилари ўз маҳоратларини қўшиқ, рақс, шеър, монолог ёки сахна кўриниши орқали намойиш этдилар.

Ушбу шартлар ҳакамлар ҳайъати томонидан 10 балли тизимда баҳоланиб борилди.

Кўрик-танлов ғолибларига қимматбаҳо совғалар топширилди.

Танлов иштирокчиларининг ҳар бири институт ректори томонидан 50000 сўмдан пул мукофоти, факультет раҳбарлари ва ҳомийлар томонидан эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Р.САТТОРОВА.

Суратларда: танлов иштирокчилари ўз маҳоратларини намойиш этмоқдалар.

Х.НОСИРОВ
ФОТОСИ.

КОМПЬЮТЕР БИЛИМНИ ОШИРИШГА
ХИЗМАТ ҚИЛСИН

Бундан бир неча йиллар муқаддам "Компьютер", "Уяли телефон" ёхуд "Интернет" деган сўзларни эшитиб, ажабланиб қарар эдик, ўзимизча қизиқиб қўярдик ҳам. Аммо ҳозирги кунга келиб тобора ҳаётимиз мазмунига айланиб бораётган ушбу атама ва тушунчалар омманинг назарида оддий элементар тушунчадек бўлиб қолди. Чунки кимга қараманг, у амалдорми, ишчиси ёки талаба-ўқувчи, деҳқонми, чўпон қўлидаги уяли алоқа воситасига кўзингиз тушади. Бу миттигина "кутича"ни бир қатор имкониятлари кишини лол қолдиради. У ўзоғимизни-яқин, оғиримизни-енгил қилишда жуда асқотади. Бундан ташқари, техника тараққиётининг яна бир катта ютуқлари сифатида компьютер ва интернет тобора такомиллашиб, айниқса биз талабаларнинг жонига оро кираяпти, десак адашмаймиз. Авваллари пойтахт ва бошқа вилоят олий ўқув юртлари талабаларининг шароити ва ўқиш усулларига қизиқар эдик. Улар ҳақида билгимиз келар эди. Ҳозирги техника тараққиёти сабабли бу истагимизни қондириш у даражада мушкул эмасдек. Чунки интернет орқали бу маълумотларни олиш, ўрганиш ҳаттоки ўз маълумотларимизни киритиш имкони яратилган.


Интернетнинг қулайлигига қарангки, бу ерда бизга зарур ва билишимиз лозим бўлган дунёдаги энг сўнгги янгиликлар ҳамда бутун жаҳон маълумотлар базаси жойлаштирилган. Ҳаммасидан ҳам қувонарлиси, мамлакатимизнинг исталган вилоят, туманларидан ва исталган вақтингизда чекловларсиз маълумотлар

олишингиз ва фойдаланишингиз мумкин. Бундай тараққиёт ҳар бир ўқувчи ва талабани ўз устида ишлаб яхши натижа кўрсатиш имконини беради. Аммо...

Ҳақли бир савол туғулади. Биз бу имкониятлардан тўғри фойдалана олаёмизми? Бу саволга ҳамма ўзидан келиб чиқиб жавоб беради. Ҳўш, шу имкониятлар биз ёшлар учун барча эшикларни очиб берар экан, нега ундан тўлалигича фойдаланмаяпмиз?

ТАЛАБА МУАММО ҚҮЯДИ

Юқоридаги саволлар кишини ўйлашга, мулоҳаза юритишга ундайди. Ҳақиқатдан ҳам ҳозирги замон талаби — вақтдан тўғри, оқилона фойдаланиб ўз устида ишлашни тақозо этади. Лекин бу имкониятдан фойдаланаётганларнинг барчасини ҳам оқлаб бўлмайди. Масалан, интернетга маълумот излаб кирсангиз, у ерда мактаб ёшидаги болаларга кўзингиз тушиши табиий ҳол. Айни дарс қилиб, ўқиб ўрганиши керак бўлган болаларнинг компьютерда турли хил ўйинларга вақт кетказаётганликларини кўриб ачинасан киши. Уйинлар бўлса майли-я, ҳозирда интернетда чет элдан кириб келаётган, болаларнинг ёшларига мос келмайдиган видеоклиплар, беҳаё фильмлар, ваҳшиёна тасвирлар... Қаердадир содир бўлган автоҳалокатлар, одамларнинг бир — бирларига ваҳшиёна қилган тажовузулари борган сари кўпайиб кетмоқда. Бу ҳолатлар нафақат интернет сайтларида, балки уяли телефонларда ҳам тобора авж олаётганлиги ҳеч биримизга сир эмас. Бу ҳолатларнинг олдини олишда



мактаб, маҳалла ва оила ўзаро иш олиб бориши, болаларни бўш қолдирмаслик ва уларнинг бўш вақтларини тўғарак ва уй ишлари, спорт машғулотлари билан банд қилишга катта эътибор берилмоғи лозим. Чунки, ёш авлодни тўғри тарбиялаш, етук баркамол авлод қилиб етказиш ва келажакда яхши самара кўриш ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан саналади.

Мен бу мисолни умумтаълим мактабларидан келтирдим. Аммо биз таҳсил олаётган институтдачи? Минг афсуслар бўлсинки, талабаларимиз орасида ҳам бу "касалга" дучор бўлганлари оз эмас. Агар биз бугунги яратиб берилган имкониятдан бебаҳра қолсак, эртага мактабга боргач ҳолимиз не кечади. Афсуслар, аттанларнинг фойдаси йўқ. Биз талабалар эртанги кунимиз ҳақида бугун қайғуришимиз лозим, деб ўйлайман.

Техника тараққиёти даврида бу соҳанинг фақат керакли, ижобий томонларини янада такомиллаштириш, ёш авлодни тўғри йўлга тўғри йўналтири олиш жамиятдаги ҳар бир мактаб, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари зиммасига юклатилган шарафли ва масъулиятли вазифадир.

Дилфуза ИШОНҚУЛОВА,
Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш йўналиши
2-босқич талабаси.

БУЮК ДАВЛАТ АСОСЧИСИ,
ИСТЕЪДОДЛИ САРКАРДА

(Бошланиши 1-саҳифада)

Темур маънавий хислатларининг яна бир ўзига хос томони шунда эдики, у давлатни бошқаришда муроса ва келишимлик йўлини маъқул кўрар эди. У угитларида «Дўсту-душман билан муроса-мадора қилдим» деб нақл этса, ҳар бир ишни бошлашдан олдин машварату-маслаҳатни ниҳоятда афзал кўрганлигини, «Ҳар вақт кенгашичлар йиғилиб мажлис очилар экан, яхши-ёмондан, фойдазиёндан, олдимиздаги ишларни қилиш-қилмасликдан сўз очиб, улардан фикр сўрар эдим», — деб эслайди.

Амир Темур бобомиз амал қилган ушбу фазилатлар неча асрлар оша ўз қадрини йўқотмай келмоқда. Айниқса бугунги истиқлол кулларида мамлакатимиз фуқароларининг маънавиятини шакллантиришда ҳам устувор аҳамият касб этиб келмоқда. Президентимиз Ислам Каримовнинг «Ҳомий деганда, ён-атрофдаги бевабечораларга, етим-есир, муҳтож кишиларга кўмак ва ёрдам беришга, одамларнинг дардига ҳамдард бўлишга, қадрдон қишлоғи ёки шаҳрини обод қилишга интиладиган, бир сўз

билан айтганда, савоб иш қилиб яшайдиган инсонларни ўзимизга тасаввур этамиз», деб айтган сўзларини ўқирканмиз, айни шу борада ҳам Амир Темур шахси ўзига хос намуна эканлигини яққол тасаввур этиш мумкин.

Албатта, бошқаларга қилган савобли ишларнинг асосида ўзига хос бағрикенглик, кўнгли очиклик, инсоф ва диёнатликка хос қалб амри ётади. Темур тузукларини варақларканмиз, «Яхшиларга-яхшилик қилдим, ёмонларни эса ўз ёмонликларга топширдим. Ким менга дўстлик қилган бўлса, дўстликни қадрини унутмадим ва унга мурувват, эҳсон, иззату-икром кўрсатдим» — дея таъкидлаган фикрлари билан танишганимизда буюк бобомизнинг маънавият машъали нақадар юксак бўлганлигига гувоҳ бўламиз. Шу боисдан ҳам Амир Темурнинг маънавий салоҳиятига хос ҳикматларини бугунги истиқлолимиз ва истиқболимизнинг битмас-туганмас сарчашмалари деб аташ мумкин.

А. Т. НУРМАНОВ,
Хорижий тиллар факультети декани, доцент.

Гиёҳвандлик — иллат

XXI аср муаммоси бўлмиш гиёҳвандлик иллатидан ёш авлодни асраб авайлашда, уларнинг тиббий саводхонлигини оширишда бугунги кунда жуда кўплаб чора тадбирлар кўриломоқда. Келажакда буюк мустақил юртимиз учун ҳар томонлама баркамол, ватанпарвар, юксак маданиятли, маънавий қадриятларни эъзозлайдиган етук ёшларни тарбиялаш лозим. Зеро, муҳтарам Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганларидек, ёшларга миллий ватанпарварлик руҳида таълим-тарбия бериш бугунги куннинг жиддий масалаларидан ҳисобланади. Дарҳақиқат, гиёҳванд ва токсик моддаларга ружу қўйиш, сурункали равишда истеъмол қилиш

давлатнинг салоҳиятини пазайтирадиган омил ҳисобланади. Барча наркотик моддаларнинг инсон руҳиятига таъсир этиш механизми бир хил бўлишига қарамадан у ёки бу наркотикнинг инсон организмга таъсирининг аниқ кўриниши айнан шу наркотик тури хусусиятлари билан боғлиқдир. Қуйидаги тасниф XXI асрнинг бошида юзага келган нарковазият даражасини инобатга олган ҳолда тузилган.

— Нашадан тайёрланган наркотиклар.

— Опиатли яъни қора дорили наркотиклар.

— Уйқу келтирадиган-тинчлантирадиган наркотиклар.

— Психостимуляторлар.

— Галлюциногенлар.

"Оқ ажал"
ҳужумидан сақланинг,
тенгдошлар!

туфайли уларга ўрганиб қолиш, қатор мамлакатлар аҳолиси, айниқса ёшлар саломатлигига пугур етказётгани энг даҳшатли муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Сўнгги йилларда тиббий тавсиялардан ташқари наркотик ва токсик кайф қилдирувчи турли моддаларни қабул қилиш кўрсаткичлари шиддат билан ошиб бормоқда. Энг хатарли томони шундаки, ёшлар орасида кучли ва оғир синтетик гиёҳванд моддалар-кокаин ва героин кабиларга қизиқиш кучайиб бораётганлиги кузатиломоқда. Шахснинг салбий томонга ўзгариши характернинг заифлашиши, хулқ-атвор бузилиши, масъулиятсизлик, лоқайдлик, оилавий муносабатларнинг бузилиши, жиноятга қўл уриш, ўғирлик содир этиш кабилар гиёҳвандликка хос бўлган ҳолатдир. Гиёҳванд модда қабул қилаётган бола қанчалик ёш бўлса унинг шунчалик тез шу билан бирга оғир касалликка чалиниши ёки эрта ўлиб кетиши эҳтимоли шу қадар кўп бўлади. Шунинг ўзи жамият равақи ва ҳар қандай

Учадиган наркотик таъсир этувчи моддалар.


Гиёҳвандлик иллатига берилган болалар ва ўсмирларда мазкур моддаларни қабул қилишдан ҳосил бўладиган ташқи белгиларни пайқаш ва уларнинг турларини адаштирмасдан аниқлашда мазкур препаратлар ҳақида, уларнинг инсон организмга айниқса руҳиятига ва саломатлигига таъсири ҳақида мукамалроқ тушунчага эга бўлиш муҳим аҳамиятга эгадир. Бугун юртимизда кенг жамоатчилик аср вабосига қарши курашда нафақат мамлакатизда балки дунё ҳамжамиятига ўрнатилган бўлмоқда. Бу борадаги ташвиқот-тарғибот ишлари жамиятимизнинг ҳар бир буғинида тизимли равишда олиб борилаётганлиги қувонарли ҳолдир. Биз ёшлар ҳам бундай қора иллатнинг янада чуқур илдиришига асло йўл қўймаймиз ва бирдамликда ҳаракат қилишимиз лозимдир.

Гулмира РАЙИМҚУЛОВА,
Дефектология йўналиши
2-босқич талабаси.

СЎЗ – ТАБИАТШУНОСЛИК ФАКУЛЬТЕТИНИНГ ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБАЛАРИГА

Наботот оламида


ПАПАЯ ЎСИМЛИГИ ҲАҚИДА



Хар бир шифобахш ўсимликнинг ўзига хос ажойиб хусусиятлари бор. Бир ўлкада оддий бўлиб кўринган ўсимлик бошқа ерда, бошқа халқларга тенгсиз мўъжизали бўлиб кўриниши мумкин. Масалан, биз учун оддий кўринган тарвуз, ўрик, анор ва бошқа мевалар дунёнинг айрим ўлкаларида яшаётган одамлар учун ноёб мазали ва шифобахш мевадир. Ватани тропик мамлакатлар ҳисобланган папая ўсимлиги ҳам биз учун ноёб шифобахшлиги билан мўъжиза бўлиб кўринади.



Ковун дарахти (Сариса Папая) ватани Мексиканинг жануби, Марказий Америка ва Жанубий Американинг шимолий худудлари, Осиё ва Африканинг тропик зоналаридир. Ҳозирги вақтда бу ўсимлик Ўзбекистоннинг Сурхондарё, Самарқанд каби вилоятларида ҳам иқлимлаштирилиб етиштирилмоқда.



Табиий ҳолда ўсадиган бу ўсимликнинг баландлиги 5-6 м. Якка ҳолда ўсадиган турининг танасида кесик барглари кам учрайди. Барглари диаметри 60 см гача бўлиб, 5-9 бўлақларга бўлинади. Узунлиги эса 30-60 см, таначали бўлади. Баргларида чангчили гуллар жуда кўпчиликини ташкил қилиб, узунлиги 1,5 м. Уруғчили гуллари эса қисқа вақт давомида тўхтовсиз ўсади. Уларнинг ранги оқ, беш баргчали, кучсиз ҳидга эга. Папая ёзнинг иссиқ шароитларида ҳам яхши ривожланади. Унинг яшаш муддати 20 ва ундан орტიқ йил бўлиб, уни 3-4 йилгача етиштириш мақсадга му-



вофикдир.

Ўсимликда етиладиган мевалар унинг поясини юқори қисмида гуж бўлиб ўрнашади. Меваси овалсимон шаклда бўлиб, катталиги 10-40 см гача бўлиши мумкин. Оғирлиги эса 7-9 кг гача боради ва 4-6 ойда тўлиқ пишиб етилади. Мевасининг ранги яшил-сарғиш бўлиб, қовун ва ўрик таъмини эслатади. Унинг барглари сарғайиб, қаттиқ тусга кирганда меваси териб олинади. Териш мобайнида жуда эҳтиёт бўлиш керак. Чунки ўсимлик организмидан оқ ширачалар, яъни латекс (шира) ишлаб чиқариб, териға терса, терида ҳар хил тошмалар чиқишига сабаб бўлади. Бундан ташқари аллергик реакцияларни ҳам келтириб чиқаради, чунки латекс таркибида кумарин моддалари бор.

Агар бу ўсимлик хонага қўйилса, ҳароратни бир меъёрга ушлаб туради. Меваси табиий ширин хусусиятга эга. Уни музлатгичда 2-3 ҳафта сақлаш мумкин. Ундан мевали салатлар, пюре тайёрлаш, лимон шарбати билан ичиш ёки юмшоқлигида қошиқ билан ейиш мумкин.

Папаянинг 2 тури мавжуд:

1. Гавая папаяси. Мевасининг узунлиги 10-20 см. Оғирлиги эса 0,5 кг бўлиб, ширин таъмга ва хушбўй ҳидга эга. Ўсимликнинг бўйи 2-2,5 м га етади. Ҳосилини йиғиш жуда қулай.

2. Мексика папаяси. Гавая папаясига нисбатан жуда йирик бўлиб, мевасининг узунлиги 40 см гача боради. Оғирлиги эса 4,5 кг ни ташкил қилади. Унинг бўйи 6-10 м. Мевасининг уруғи кўпинча майда бўлади. Уруғини енгилгина қилиб ҳўл бўлмаган

жойга экилади. Уруғлари 1,5-2 ойда униб чиқади. Ёш майсалар жуда нимжон бўлади. Шунинг учун маълум вақт стакан билан ёпиб қўйиш керак. Бошқа уруғлари эса 5-6 ойда униб чиқади.

Папая тропик мевалардан бўлиб, у қуёш ёруғлигида тикка ва тўлиқ ўсади. Ёзнинг иссиқ ойларида уни тез-тез сўғориб турилади. Танаси жуда мустаҳкам бўлади. Унинг танасида: А, В, В1 В2, С, Д, Са, К, П, Фе каби дармондорилар учрайди. Мевасининг таркибида камёб микроэлементлар, протеолик ферментлар, яъни энзим, папаин, химопапаин, протеиназа мавжуд.

Шунинг учун бу шифобахш ўсимлик кўп касалликларнинг олдини олиш ва даволашда камёб хом ашё захираси ҳисобланади.

Бу ўсимликнинг шифобахш хусусияти шундан иборатки, аъзо ва тўқималарда туз йиғилишининг олдини олади. Умуртқа остеохондрози, умуртқа орасидаги диск чурраси, бўғимлар остеохондрози, қандли диабет, жигар касалликлари, камқонлик, ошқозон-ичак касалликларини даволашда кенг қўлаш мумкин. Булардан ташқари папая ортиқча оғирликни йўқотиб, чиройли қоматни сақлаб қолишда ёрдам беради. Унинг меваси ва уруғидан топилган модда ҳатто, химиятерапия таъсир қилмаган рак тўқималарини йўқ қилиш хусусиятига ҳам эгалиги олимлар томонидан аниқланган.

Шунинг учун Жиззах вилояти шароитида экиб кўриш мақсадга мувофиқдир. Биз бу мавзуга яна қайтамиз.

Шерноза МАМАЮСУПОВА,
Биология йўналиши
2-босқич талабаси.

Экология мавзусида

Ҳазон тутуни таркибида қандай зарарли моддалар борлигини биласизми? Одам саломатлигига жиддий таъсир этувчи, оғир металллар ва бир неча хил поютанитлар, яъни фото кимёвий оксидлар (симоб), углевод оксидлари, азот, сульфат кислотаси ва диоксинлар шулар жумласидандир. Диоксин ўлкамизда мавжуд зарарли модда бўлиб, ўсимликларни нобуд қилиши, ёш болаларни холдан тойдириши, ҳатто саратон касаллиги пайдо бўлиши мумкинлиги олимлар томонидан исботланган.

ҲАЗОНЛАРНИ ЁҚМАНГ

Юқоридаги зарарли моддалар инсон учун ўта хавфли бўлиб, кучли йўтал, аллергия, юрак қон томир системаси, қон бузилиши касалликларининг юзага келишига сабаб бўлади.

Агар 1 тонна ҳазон ёқилса 30 кг углевод оксиди ҳосил бўлар экан. Бу эса атмосфера ҳавосининг бузилишига олиб келиши табиий.

Акронин ва сирка кислотаси жуда жуда кучли моддалар бўлиб, бу моддалар йўтални чақиради, кўзни қизариши ва хавфли касалликлардан – кўз саратони касаллигини шаклланишига олиб келади. Бу зарарли моддалар фақат инсонларга эмас, балки атмосфера ҳавосидан фойдаланувчи барча тирик мавжудотларга ўз таъсирини кўрсатади.

Ҳазонларни бир жойга тўплаб, ерни чуқур қилиб кўмиш мақсадга мувофиқ бўлади. Кўмилган барг ҳазонлар чиритувчи бактериялар ёрдамида парчаланиб, органик ўғитга айлантирилади, бу эса ўз навбатида тупроқ унумдорлигини оширишга олиб келади. Ҳазонларни зинҳор ва зинҳор ёқманг.

Ҳазонлардан унумли фойдаланиб, она дёригимизни гуллаб-яшнаши, ҳавосининг мусаффолигига ўз ҳиссамизни қўшайлик.

Нурпўлат ХОЛМОНОВ,
Биология йўналиши
3-босқич талабаси.

ТАЛАБАЛИК ДАВРИДАГИ «АМАЛДОРЛАР»

Талабалик гоят сирли олам. Талаба бўлганимизни билган кундаги шодлигимизга ҳеч бир қиёс тополмаймиз. Мана шу бахтиёр кунни ўтганига ҳам бир йилдан ошди. Бу даврда биз ўша ширин хотираларни, қизиқарли ходиса ва воқеаларни, ҳузурбахш онларни ёдга оламиз холос.

Бироқ талабалик даврининг ўзига хос муаммолари, бошқалар билмайдиган сир-асрорлари ҳам бор экан. Биз талабаликнинг анча-мунча сирларидан огоҳ бўлишга ҳам улгурдик.

Инсон ҳаётининг энг зўр даври — талабалик олтин давридир. Чунки инсон бу даврда турли жойлардан кўплаб дўстлар орттиради, ҳаётнинг кўп қийинчиликларини бошидан кечиради. Инсоннинг бошига қийинчиликлар тушгандан кейин изланади, олдинга интилади. Мустақил ҳаёт кечиришга ўрганади. Ҳаёт эса тўхтамай давом этаверади. Талабалик келади-ю, ўтиб кетади. Лекин, ушбу даврда орттирган дўстлар қадрли бўлиб қолаверади.

Талабага талаб кўп. 4 йил мобайнида жуда кўп фойдали нарсани ўрганиш, иш жойида керак бўладиган кўникмаларни шакллантириш мумкин.

"Талаба кодекси", "Талаба кундалигидан битиклар ёхуд талаба девони битик" ҳақида эшитгансизми? Қулоққа қизик эшитилади, шундай эмасми?

Нетонгки, бу талабалик давридаги ўзига хосликларнинг бир кўриниши ҳисобланади.

Талаба кодекси 2 банддан иборат: 1) ўқитувчи доим ҳақ. 2) сессияда огоҳ бўлиш — давр талаби.

Талаба кундалигидан битикларга эътибор беринг:

Сессия — Икки эшик ораси, Отработка — сўнги муҳлат.

Маъруза — жимжитлик

Семинар — ўч, куратор — урушнинг сўнги қурбони.

Аудитория — мунгли кўзлар.

Якуний назорат — лозазор

Ошхона — талабаларнинг орзулар мамлакат

Булар ҳақида эшитиш қизиқарли, албатта.

Талабаликнинг илк кунидан бошлаб хар бир гуруҳга гуруҳни бошқарувчи гуруҳ сардорлари тайинланган экан. Бундан кейин староста деб аталади. Имтиҳон бошланиши арафасида эса бу «амалдорларнинг» ташвиши ўн чандон ошади...

Бизнингча аудиторияда ҳаманинг ўз ўрни, ўз ҳурмати ва белгиланган жойи бор. Ёшлар ўртасидаги фарқни ҳисобга олмаганда ҳамма талаба ҳам бир хил имтиёз ва тенг ҳуқуққа эга. Ёши ўз тенгдошларига нисбатан бир мунча каттароқ бўлган талабалар кўп бўлган гуруҳнинг аудиториясида тартиб-интизом кучли сақланади. Аксинча, кўпчилиги ёши жиҳатидан тенг бўлган гуруҳда эса бақир-чақирларни кўплаб эшитиб тураемиз.

Шундан келиб чиқиб, гуруҳларни тузишда талабаларнинг ёшига эътибор берилса, бизнингча мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Сизнингча гуруҳ таркиби қандай бўлиши керак? Гуруҳда шундай бир ўрин борки, у ўрин алоҳида ажралиб туради. У ўрин бошқача ва унга ҳавас билан қарайдиганлар ҳам бор. Бу ўрин учун курашадиганлар орамизда

Бизнингча, сардор фақат устозларга яхши кўриниш учун интилмасдан талабаларнинг манфаатларини химоя қилиши керак. Сардор доим аъло баҳо олиши учун уларга хизмат қилиши керак, дегани эмас.

Сиз ўйлаган ва биз кўраётган сардор аслида қандай бўлиши керак? Биз билолмадик, балки сиз биларсиз?

кўплаб топилди. Ҳатто, бизнингча ташқаридан ҳам аралашувчилар пайдо бўлмоқда. Сизнингча бу бўлмаган гап, шундай эмасми? Бу ўрин гуруҳ сардори. Бу мансабга эришган талаба тезда энг яхши талабага айланиб қолади. Бу лавозим бизнингча мансабпарастликнинг бошланғич фазасидир. Сиз қандай ўйлайсиз? Ҳозирги сардор қуйидаги сифатларга эга бўлиши лозим деб ҳисоблашади, кўпчилики.

1. Ўқитилган фанлардан синон балларини ололмайдиган

талабаларни устозга "танитиб" қўйиш;

2. Дарсларга иштирок этмайдиган талабанинг айбини ёпиб журналга "йўқ" белгисини қўйдирмаслик;

3. Устозга "талабалар фалон" сабабга кўра дарс бўлмади деб дарсдан қочишни ташкил қилишни эплаши;

4. Имтиҳон даврида фан ўқитувчилари билан осон тил топиша оладиган "ёзилмаган қонун-қоидаларни" яхши ўзлаштирган бўлиши керак.

Юқоридаги ноёб ҳислатларга эга бўлган сардор ҳақиқий сардор ҳисобланади. Ҳақиқатда ҳам шундаймикан? Сиз ўйлаган ва биз кўраётган сардор аслида қандай бўлиши керак? Биз билолмадик, балки сиз биларсиз?

Бизнингча, сардор фақат устозларга яхши кўриниш учун интилмасдан талабаларнинг манфаатларини химоя қилиши керак. Сардор доим аъло баҳо олиши учун уларга хизмат қилиши керак, дегани эмас. Шу борада Ф.В.Нитшенинг сўзини эсга олиш ўринлидир. "Инсон ҳам худди дарахтга ўхшайди. Дарахтлар юксаклик, ёруғлик сари қанчалик кўп интилса, илдизлари ер қаърига, қоронғуликка — тубанлик томон шунчалар чуқурроқ кириб бораверади". Бизнингча, бу ўхшатиш жуда ўринли ва аини ҳақиқатни айта олган. Сизнингча унинг сўзларида қандай фалсафа бор? Ф.В.Нитшенинг "Биз нимани из-

СИЗ НИМА ДЕЙСИЗ?

лаймиз? Хотиржамлик, бахтми? Биз қанчалар даҳшатли ва жирканч бўлмасин ҳақиқатни излаймиз», — деган гапларини доим ёдимизда тутмоғимиз керак. Токи бизнинг асл туб мақсадимиз билим олиш, илм ўрганиш ва ҳақиқатни тан олиш ҳамда адолат учун курашиш бўлиб қолсин.

Шуни унутмаслигимиз керак-ки, келажакимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтганда, халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши биз талаба ёшларнинг қандай таълим ва тарбия олишимизга боғлиқ. Машҳур файласуфлардан бири қуйидаги ҳақоний фикрларни баён қилган эди: "Душманлардан кўркма — нари борса, улар сени ўлдирши мумкин. Дўстлардан кўркма — нари борса, улар сенга хиёнат қилиши мумкин. Бефарқ одамлардан кўркма — улар сени ўлдирмайди ҳам, сотмайди ҳам, фақат уларнинг жим ва бепарво қараб туриши туфайли ер юзида хиёнат ва қотилликлар содир бўлаверади".

Келинг, ўзимиздаги лоқайдлик ва эътиборсизликларни йўқотишга уринайлик. Эртанги ёруғ ҳаётимизни юксак режалар билан бойитайлик.

Ирода ЗИЁЕВА,
Биология йўналиши
2-босқич талабаси.

Мактабгача таълим

ЮВИНИШ ШУНДАЙ ЎРГАТИЛАДИ

Мустақил давлатимизнинг гуллаб-яшнаши ёшларнинг жисмоний, ақлий, руҳий баркамоллигига, улар саломатлигига боғлиқдир. Жисмонан соғлом, бақувват, руҳан тетик, ақли-заковатли ёшлар билан мамлакатимизнинг истиқболли келажагини тасаввур қилиш мумкин.

Болаларнинг соғлом бўлиб ўсишида гигиеник кўникмалар муҳим омил ҳисобланади. Гигиеник кўникмалар ичида ювениш малакалари алоҳида ўрин эгаллайди.

Болаларда ювениш малакалари шакллантиришда, бу ишни тўғри ва тартиб билан бажаришни, керакли натижаларга ўзлари эришишларини ўргатиш муҳимдир.

Ювениш малакаларини таркиб топтиришнинг энг муҳим, асосий усули — бажариладиган ҳаракатлар ҳамда уларнинг изчиллигини кўрсатиш ва муфассал тушунтиришдир. Бу ўринда боланинг мазкур ҳаракатни бажаришда

амалий иштироки ҳал қилувчи аҳамиятга эга, акс ҳолда, ювениш малакаларини эгаллаш ҳеч қачон кўнглидагидек амалга ошмайди.

Ювениш малакалари шакллантирилган экан, мустақиллиги чекланмаслиги керак. Ювениш малакалари аста-секин таркиб топиб боради. Дастлабки кунларда тарбиячи энг оддий ҳаракатлар (қўлларни сув билан ҳўллаш, бир-бирига ишқалаш)ни кўрсатади. Орадан икки ой ўтгач, кичкинтойларда анчагина барқарор малакалар таркиб топади, бу эса болакайлар аста-секин энгни шимариш (дастлаб катталар ёрдамида)ни ўрганадилар. Болалар малакаларни эгаллаб боришлари учун ювениш сифатига юқориқ талаблар қўйиб борилади. Болаларга сочиқдан тўғри фойдаланиш ҳам ана шундай аста-секинлик билан ўргатилади. Уларга сочиқни қандай ушлаш, қандай артиш кераклиги кўрсатилади, буни тўғри бажарётганлар

рабатлантирилади.

Ювениш ниҳоясига етгач, тарбиячи болаларнинг эътиборини энди ўзларининг ташкилчилари қаратишга жалб қилади ва улар қандай озода, тартибли бўлиб қолганликларини, уларга қараш ёқимли эканлигини қайд қилади. Болаларга стол атрофига фақат ювилган тоза қўл билан келиб ўтириш одатини мустаҳкамлаш зарур. Педагог буни эслатишларсиз бажарган болаларни мактабда.

Кичкинтойларда ювениш малакалари гуруҳлардаги тарбиявий ишларни аниқ ташкил қилиш, белгиланган кун тартибига қатъий риоя қилиш, педагог ва энага томонидан қўйиладиган талабларнинг бирлиги, болаларнинг ҳаракатларини кузатиш ва назорат қилиш орқалигина таркиб топтирилади.

Махлиё НОРМУРОВО,
Мактабгача таълим
йўналиши 1-босқич талабаси.

Учрашув



ТАБАБАЛАР БИЛАН ШОИРЛАР МУЛОҚОТИ

«2012 – Мустаҳкам оила йили» дастури доирасида институти-мизда талабалар билан Тошкентдан ташриф буюрган шоирларнинг ўзбек шеърятининг бугунги кундаги равнақи ва муаммоларига бағишланган мулоқоти бўлиб ўтди. Шоирлар – Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмаси аъзолари Фахриддин Низомов ва Ойдиннисо Йўлдошева институти-мизда таҳсил олиш билан бир қаторда шеър ёзишга иштиёқманд, иқтидорли талабаларга бугунги замонавий ўзбек шеърятдаги янги оҳанглар, ёш шоирлар, умуман қалам-қашлар олдидан турган масъулиятли вазифалар ҳақида гапириб ўзларининг янги шеърларини ўқиб бердилар.

Талабалар ўзларини қизиқтирган саволларга тегишли жавоб олдилар.

Суратда — учрашувлардан бир кўриниш

Б.КУДРАТОВ.

Бугун мактабга эрта келдим. Негадир кўнглим гаш. Кўнгироқ чалинди, лекин Дилоромдан ҳалигача дарак йўқ. Тинчликмикан? У ўқишни жуда яхши кўради, кўлидан китоб тушмайди, китоб – менинг энг яқин дўстим, сирдошим, юланчим, дейди маҳзун юзларини қувонч қоплаб, китоб ҳақида сўз кетганда.

Айтгандай, Дилором менинг энг яқин дугонам. Мана 2-соат ҳам бошланди, хануз ундан дарак йўқ. Хайрон бўлгандирсиз, китобни севган, ўқишни қадрлаган одам 1-соат дарсга келмай, 2-соат дарсга келиши табиий ҳолатми дерсиз? Бунинг эса тарихи узок. Буларни сизга айтишим тўғри бўлармикан ўзи, буни ҳам ўзим яхши билмайман. Чунки, сирдош дугоналар бир-бирларини ҳеч қимга айтиб бўлмайдиган яширин сирларини айтиши мумкинмикан? Виждоним олдидан ўйланиб қолдим. Балки қиладиган ишим хато бўлар. Лекин юрагимни ўртайдиган оғрикли бир азоб кўлимга қалам тутқазди ва ёз деб буйруқ берди.

Дилором соддагина, ақлли, хушли, одобда, хусни малохатда ҳеч қимдан камий йўқ. Кўрган одамнинг ҳаваси кетиб, қани эди менинг ҳам шундай қизим бўлса, ёки келин қилсанг арзийди, дейиши аниқ. Камсукум, меҳрибон деб ҳавас билан қарайдиганлар Дилором бошидан кечираётган аламларни эшитсалар, нима дерканлар?

Ҳа, шу воқеани сизларга сўзлаб бераман, шояд шунда Дилоромнинг отасига ёки шунга ўхшаш оталарга инсоф берса, ажабмас.

Дилором жуда камгап бўлиб ўзи оиласи ҳақида жуда оз гапирди. Доим ўйчан юрар, дарс тугаши билан уйига қоплар, бизларга қўшилиб у ёқ бу ёққа ҳам боравермас эди. Баъзан биринчи соатга кечикиб қолар, баъзан эса умуман дарсларга келмай қолар эди. Раҳбаримиз сўрсалар ер чизиб, аямни мазаси йўқ, деган жавобни берар ва бир чеккага бориб индамай китобни варақлаб ўқишга киришарди. Унинг бу ҳаёти аввалига бизга қизиқ кўринди, сўнгга эса кўникиб ҳам кетдик. Лекин нимадир мени унга томон яқинлашганим ундарди. Шу сабабдан ҳам у билан китоб олиб алмашиб ўқиш баҳонасида яқин бўлиб кетдик.

Уйимизга таклиф этдим, ота-онам билан таништирдим, жуда хурсанд бўлиб, ахил оила экансизлар, — деди-ю, юзини яна ёшига муносиб бўлмаган ўйчанлик қоплади. Мен унинг оиласини яхши билмас эдим. Бир-икки мактабга келмаганида суриштириб уйига борган эдим, шунда дарвозани очган дадаси бувисиникига кетган деганди. Баъзан хайрон қолардим, раҳбаримизга бошқача жавоб қилганини кўриб, лекин андиша қилиб, ёки эътиборсизлик қилиб бунга аҳамият бермас эдим.

Уша кун Дилором яна дарсга келмади. Икки-уч кун ўтди ҳамки ундан хабар йўқ. Мен ҳам ўзимни ўқиш-юмушларим билан буни назардан четда қолдирибман. Раҳбаримиз-

нинг: — Гулнора, ким айтади сизларни сирдош дугона деб, дўст оғир кунда синалади, балки бетоб бўлиб қолгандир, — деган сўзлар мени Дилоромлар уйи томон етаклади.

Ҳавонинг авзойи бузуқ. Осмон тўлғоқ тутаётган аёлдек безовта. Дилоромлар уйига яқинлашар эканман, эшик очкилиги мени хайрон қолдирди. Одатда уларнинг дарвозалари доим ёпиқ бўлар, уйига эса нимагадир таклиф қилмас, бориб қолса, жонсарак ҳолатда узук-юлуқ гаплашиб, бир жойга кетмоқчи эдик, деб тезроқ хайрлашишга ҳаракат қилар эди. Дарвозадан кириб Дилоромни чақирдим, ховлисидан ҳеч қим кўринмасди, ойна синиқлари эса сочилиб ётарди. Ҳеч қимдан садо чиқмади, бир оз нима қилишни билмай турдим ва ортага қайтдим. Дарвозадан 8 ёшлардаги бола билан 6-7 ёшлардаги

ромнинг аяси кириб келди. Мени кўриб ўнғайсиз ҳолатга тушди. Кел, қизим яхшимисан, дугонангни кўргани келдингми, барақа топ болам.

Онаизор юзидаги изтироб, ғамгинлик мени бағримни ўртаб юборди.

— Ҳар кимнинг пешонасини ҳақ очсин экан болам, дея ҳикоясини бошлади она. Онадан жуда эрта етим қолганмиз. Жўжабирдай жон, отам бизларни боқис баробарида она қилиши лозим бўлган барча юмушларни бажаришга ҳаракат қилар эди. Отамга қўлдан келганча ёрдамлашишга ҳаракат қилардим. Шу аснода бир амаллаб медтехникумни тугатиб олиб, ҳамшира бўлиб касалхонага ишга кирдим.

Кунлардан бир куни тақдир тақозоси биланми, бир аёл (қайнонам) касалхонамизга тушиб қолди. Унга

Хикоя

ОНАИЗОР КЎЗ
ЁШИ ВА ИЛТИЖОСИ

қизча чиқиб келди. Мен улардан Дилоромни сўрадим. Опам уйда, жавоб берди қизча. «Жим айтма», деди акаси. Хайрон қолдим. Лекин қайтиб уйга кирдим. Кроватда ётган дугонамни кўриб лол қолдим. Юз-кўзлари кўқарган, бошини рўмол билан танғиб олган. Дилоромнинг бу аҳволи менга номаълум эди. Кел, дугона қайси шамол учирди, деб кўришмоқчи бўлган Дилором мени тўзгиб кетган хушимни ўзимга келтирди. — Нима қилди, мени оғзимдан чиққан сўз шу бўлди. — Ҳа, хомтоқ қиламан деб йиқилиб тушдим, ўзим ҳам жуда беўхшовман, деб жавоб берди у. Бу гаплар менга эриш туюларди, лекин унинг қалтакчанганлиги юз-кўзидан кўришиб турарди. Бу ишни ким қилган? Тўғри, баъзан қизлар хангомасида фалончини эри урибди, деган гаплар бўлиб турар, лекин Дилором турмушга чиқмаган-ку?

Уртага ўнғайсиз сукунат тушди. Бир оз жимликдан сўнг, дугонанинг кўзларидаги изтиробини кўриб кўнглим бузилиб кетди. Дугона, нима гап ўзи? — сўрадим. Бирдан Дилором хўнграб йиғлаб юборди. Мен эса нима қилишимни билмай қолдим. Йиғи товушини эшитган ўқаси ва синглиси келиб уни қучоқлаб олди, энди йиғлайдиганлар сони бир эмас уч кишига айланди. Бу ҳолат мен учун қутилмаган ҳолат эди. Нима қилишни ҳам, қандай овутишни ҳам билмайман. Дарвоза эшигининг зулфайи шикрларди. Дадам келди, жим, болалар тумтарақай дуч келган жойга яширинишди, эшик очилиб Дило-

мен қарай бошладим. Мени ёқтириб қолдими, касалхонадан чиқиб кетгач, уйимизга совчи бўлиб келди. Эҳ, ўшанда менга қанчалар оғир бўлганини билсангиз эди, маслаҳат олай десам онам йўқ, отам эса кўча кишиси эди, укаларим, сингилларим ҳали ўзи ёрдамга, маслаҳатга муҳтож. Хуллас, тақдир бўлдим, аёлнинг истараси, ширин сўзларими мен улар хонадонига келин бўлиб тушдим. Оқ либосда мен ўзимни осмонда учиб юргандай ҳис этардим. Лекин ҳаёт ўнқир-чўнқирлардан иборат эканлиги, мени эса бир умр азобларга маҳкум этадиган ҳаёт қутаётгани ҳаёлимга келмас эди. Ҳа, мен ўшанда ота-онасини эмас, йиғитни суриштирмоқ лозим эканлигини қайдан билар эдим. Ота-она фарзандининг икки кўзи бўлар экан, бирдан ажралган одам кўзи оғиз кишилар қаторида бўлар экан. Ҳа, мени ҳам кўзларим кўр бўлган экан, бутун меҳр-муҳаббатимни тушган хонадонимга бердим. Турмуш ўртоғимни бир кун изга тушиб кетишига умид боғладим. Лекин ҳаммаси беҳуда экан, тантик, беўй бўлиб ўсган турмуш ўртоғим ҳеч ерда ишламас, бунинг устига ичиб олиб жанжаллашарди. Кунлар шу таразда ўта бошлади. Кўп ҳаракат қилдим, бу орада фарзандларим дунёга келди. Балки болалар уни тўғри йўлга тушушига сабаб бўлар деган илинж бор эди кўнглимда. Лекин бу умидим ҳам пучга чиқди. Болаларим келажагини ўйлаб, тирик етим бўлишларини истамага-нимдан тишимни-тишимга қўйиб

чидадим. Тинмай меҳнат қилдим. Ҳозир эса болаларимнинг юзига қарашга уяламан. Отасини ичиб келиб уриши, қўпол ва дағал гапириши, болаларим қалбларини битмас қилиб яралаётганини кўриб эзиламан. Шунинг учун ҳам оғзидан келганини қайтармай киши дилини ранжитувчи сержаҳл, нодон кишиларни халқимиз бекорга «Дилозор» деб аташмас экан. Ҳа, ҳаммасига чидадим, лекин болаларимни ҳақоратлашларига тоқат қила олмай қоламан. Эл-халқдан уяламан, ҳеч қимга шикоят қила олмайман. Болалар вояга етаяпти, отасининг насагини ўйлаб, еганим заҳарга айланади, тақдиримга қуяман. Ахир ота – оила устун-ку. Лекин устун шунақа бўлса нима қилмоқ лозим? Мен дугонанг Дилоромни шу қулаётган устундан ҳимоя қилолмаганимга қуяман, қизим. Ичиб олиб калтаклаб, китобларини отиб, ўқишга қўймаган чоғларида кўзимга дунё қоронғу бўлиб кетади. Эҳ, шўр пешона, тақдир ҳеч бўлмаса болаларим учун кулиб боқсин деб илтижо қиламан... Онаизор ўқиб-ўқиб йиғларди.

Дилоромлар уйдан узоклашар эканман, кўнглимдан нелар кечмади. Ўз ҳаётимга шукрона келтириб, қадрига етмаётганимиз баробарида Дилоромга шундай дегим келди: Дугонахон, ойнанинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ. Ёруғ кунларни эса сенга атаган совғаси бор, албатта. Сен ёш бошинг билан оиланг сирини яшириб, отанг юзига оёқ қўймаган экансан, «сабрнинг таги сариқ олтин» деганларидек ҳаётда ўз ўрнининг топишинга ишонаман. Онанг дуолари сени асрайди. Зеро жаннат ҳам сенинг онанг каби жафокаш, меҳрибон, содиқ оналар оёғи остидадир. Онанг ҳам шунда қилган хатоларини англлар.

Оталарга эса айтар сўзим: Азиз оталар, эржаҳл, виждон, оила қўриқчиси экансиз, келинг қўриқлашни, асрашни ўз оилангиздан бошланг. Йиймон, виждон сизларни тарқ этмасин. Шунда дили ором топмаган Дилоромлар, кўз ёш тўкаётган онаизорлар бўлмайди. Ватанимиз, оиламиз тинч ва обод бўлади.

Ҳикоямни севимли адабимиз Турсунной Содиқова сўзлари билан тугатмоқчиман.

«Сабр аёлдан, кецириш аёлдан, фарзанд кўриш аёлдан, деб икки қўлини баробар қўзиб турган эр, фарзанд, жамоа ва давр андақ хижолат қилмоғи зарур. Аёлдан олаётганини ўйламоғи ва истиҳола билан ўзини-ўзи суд қилмоғи лозим. Мен ўз онамга, аёлимга, миттигина қизимга нима бердим демоғи (ахир тинмай еганга тоғ чидамайди) қуввати, мағзи уммон эмаску, дея ўйга толмоғи лозим».

Паризод ИСОҚОВА,
Ўзбек тили ва адабиёти
йўналиши 4-босқич талабаси.

ZIYO CHASHMASI

МУАССИС:

Абдулла Қодирий номидаги
Жиззах давлат педагогика
институти

Бош муҳаррир: Абдукарим ШАРИПОВ

Редакцияга келган хатлар таҳлил
этилмайди ва муаллифларга
қайтарилмайди.

Муаллифлар фикри тахририят
нуқтаи назаридан фарқлиниши
мумкин.

Газета Жиззах вилоят Матбуот ва
ахборот бошқармасида 2006 йил
26 декабрда 06-017 рақами билан
рўйхатга олинган.

Босишга топширилган
вақти — 19.00 Топширилди — 18.00
Навбатчи: М. Абдуллаев

Манзил:
Ш. Рашидов
шоҳ кўчаси,
Абдулла Қодирий
номидаги Жиззах
Давлат педагогика
институти.

«SHERDOR PLUS
POLIGRAF»
bosmaxonasida chop etildi.
Korxonani manzili:
Samarqand shahri, 140100.
Ulug' Tursunov ko'chasi, 82-uy.

Офсет усулида 6250 нусхада босилди.
Буюртма № 602 Shaki-A-3.